



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ №45 (75) 7.11.2019 йил

» Дўстона алоқалар давом этади

2 ноябрь куни Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Бош қотиби Владимир Норов Ўзбекистон Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев билан учрашди.

Мақсад — тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик



Сўнги йилларда дунёда халқаро дўстлик алоқаларига кенг йўл очаётган мамлакат сифатида эътироф этилаётган Ўзбекистонимиз оламшумул аҳамиятга эга улкан анжуманлар, симпозиум, саммитлар, фестиваллар, илмий конференциялар юртига айланди. Яхши ният билан келаётган дўстларига лутф кўрсатаётган меҳмондўст халқимиз ўзининг бетакрор инсоний фазилатлари, юксак маънавияти, илм-фани, санъати ва маданияти билан тобора жаҳон айвонидан муносиб ўрин эгалламоқда. Шу кунларда, жаҳон ҳамжамияти диққат билан кузатган яна бир муҳим анжуман — Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн саккизинчи мажлиси ҳам пойтахтимизда юқори савияда ўтказилди. Муҳтарам Президентимиз ҳар бир аъзо давлат ҳукумат раҳбарларини қабул қилар экан, инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳамкорлик алоқалари дунёда тинчликни барқарорлаштириш, мамлакатлар иқтисодиёти, санъат ва маданияти, илм-фани ри-

вожи учун хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, ШХТ га аъзо давлатлар ўртасида хавфсизлик, тинчлик, барқарор ривожланиш, иқтисодиёт ва сиёсатда ҳамфикрлик ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик туфайли ташкилотга аъзо бўлиш истагидаги давлатлар сифи кенгаймоқда. 2017 йилда Ҳиндистон ва Покистоннинг ташкилот аъзолигига қабул қилиниши ҳамда уларнинг ШХТ лойиҳаларида фаол иштирок этишга ҳаракати фикримиз далили. Ташкилот фаолиятида, жумладан, маданият, туризм соҳасидаги ишлар ҳам кенг қамровда олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Маданият вазири билан мулоқоти давомида ШХТ Бош қотиби Владимир Норов ташкилотнинг сўнги уч йил давомида маданият соҳасида олиб борилаётган ишлари ҳақида сўзлаб давлатларо маданий алоқаларни кенг ривожлантириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиётгани ва бу фаолиятда Ўзбекистоннинг ҳам ўз ўрни ва роли борлигини таъкидлади.

Давоми 2-саҳифада »

Ушбу сонда

Шермат ЁРМАТОВ — 80 ёшда



2-саҳифада »

Сингапурда ўзбек бурчаги



5-саҳифада »

Қорақалпоқ тарихига бир назар



6-саҳифада »

» Жамият ва ҳаёт

Тараққиётимизга ғов бўлаётган иллат

Сўнги йилларда юртимиз эришаётган ютуқлар ҳақида қанча гапирсак ҳам оз. Олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини ҳар жабҳада кўришимиз мумкин. Буни ҳозирги кунда бутун дунё ҳамжамияти кўриб, эътироф этиб турибди. Шу билан бирга, афсуски, ҳаётимизда ҳамон учраётган, тараққиёт ва ривожланиш йўлимизга ғов бўлаётган энг асосий муаммолардан бири бу коррупциядир. Бугунга келиб коррупция дунёдаги кўп давлатлар учун жиддий муаммага айланган. У ижтимоий ҳаётда қонун устуворлигига, жамият хавфсизлигига, барқарор ривожланишга жуда катта тўсиқдир. Коррупция — қонунга хилоф. Биздаги энг оғриқли нуқталардан бири — таълим соҳасидаги коррупция масаласи, афсуски, ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаган. Албатта, бу борада давлатимиз раҳбари, шунингдек, вазирлик ва

идоралар томонидан ушбу иллатга қарши курашиш, унинг олдини олиш ҳамда унинг ҳар қандай кўринишини қатъий инкор этиш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Коррупцияга қарши муросасизлик билан курашиш механизмлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бежизга таълим соҳаси ривож учун, бу йўналишда учраётган коррупцияга қарши курашишга жиддий эътибор берилмаяпти. Чунки айнан таълим йўналиши жамиятимизнинг деярли ҳар бир соҳаси учун малакали, етуқ кадрларни тайёрлайди. Коррупция бўлса, ҳеч қандай ахлоқ меъёрлари, инсон ҳаётининг моддий ва маънавий жиҳатлари тан олинмайди. Бундай ҳолатда таълим тизими "олди-сотди" ҳолатига келиши, ёш авлод коррупцияни оддий воқелик сифатида қабул қилиши мумкин. Яъни олий ўқув юрти-



да олдиниши кутилаётган билим, савия, муайян соҳанинг мутахассиси бўлиш масаласи ўз устуворлигини йўқотади. Бу турдаги жамият ва давлат малакали, билимли, куч-гайратга тўла мутахассисларсиз ўз тараққиёт йўлида оксайди. Ҳозирги глобаллашув даврида эса ушбу масала янада долзарб аҳамият касб этади. Шундай экан, биринчи галда таълим соҳасини ушбу иллатдан нафақат батамом тозалашимиз, балки таг илдири билан кўпориб ташлашимиз даркор. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бу борада фуқароларимизнинг

ҳам коррупцияга қарши курашишда фаол бўлишлари, ўз қонуний ҳуқуқларини билишлари анча самарали натижаларни беради. Қисқаси, жамиятимизнинг ҳар бир аъзосида ҳуқуқий саводхонликни ошириш зарур. Ўз юрти келажакига, унинг эртанги тараққиёт йўлига, фаровон ва тинч ҳаётига бефарқ бўлмаган инсон, албатта, коррупция масаласида ҳам муросасиз бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири — Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Бахтиёр Сайфуллаев

Доналар сузлайди...

Дўст дўстдир асли қилмиши билан, дўст эмас, "дўстингман" дейиши билан. (Носир Хисрав)

Дўст — сизнинг тўғрингиздаги ҳамма нарсани билса ҳам, сизни яхши кўрадиган киши. (Жон Аулер)

Дўст тутмоқ осон, риоя қилмоғи қийин, Душман бўлмоқ осон, ярашмоғи қийин. (Юсуф Хос Ҳожиб)


Туризм

Хорижликлар учун концерт



Жорий йилнинг 30 октябрь куни Регистон ансамблининг Мирзо Улугбек мадрасасида Ўзбекистон Давлат Филармонияси Самарқанд вилояти бўлинмаси томонидан япониялик туристлар учун миллий санъатимизнинг нодир намуналарини ўзида мужассамлаштирган концерт дастури намойиш этилди. Тадбирга хонан-

да, созанда ва раққосалар ҳамда "Чавқи" фольклор этнографик ансамбли ҳаваскорлари ўзгача фойз бағишлаб, томошабинларни хушнуд этишти. Туристлар учун ўтказилаётган бундай концерт томошалари орқали бўлинманинг пуллик сервис хизмат кўрсатиш соҳаси яхшилаб борилишига эришилмоқда.



Ўзбек санъати усталари



Ўзбекистон халқ артисти Шермат ЁРМАТОВ – 80 ёшда

2 ноябрь куни Ўзбекистон давлат филармониясининг "Туркистон" санъат саройида Шермат Ёрматов таваллудининг 80 йиллиги ва фаолиятининг 60 йиллиги муносабати билан ижодий кеча ташкиллаштирилди.

Концерт тантанали ва қизгин кайфиятда доира садолари билан бошланди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Озодбек Назарбеков табрик сўзи билан очиб берди.

60 йил... Бир соҳани танлаб, унга шунча йил меҳр ва шижоат билан ёндашган инсонни камдан-кам учратамиз. Санъатни ва болаларни яхши кўриб, ҳар бир шоғирини келажакда етуқ мутахассис бўлиб етиштиришда пойдевор яратган композитор, "Булбулча" болалар хорининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти, профессор Шермат Ёрматов асли фарғоналик. У 1939 йили 17 октябрда Фарғона туманида таваллуд топган. Тошкент давлат консерваториясини хор дирижёрлиги мутахассислиги бўйича тамомлаган (1967 йил). 1970 йиллар ўртасидан бошлаб ўзбек болалар кўшиғи ҳамда хор санъатига бағишланган доимий "Қўшиғим – жон қўшиғим" телекўрсатувини олиб борган. У "Булбулча" болалар хорининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри (1971 йилдан). Тошкент шаҳридаги 99-ўрта мактабда мусиқа ўқитувчиси ҳамда "Бойчечак" хор студиясининг раҳбари (1962 – 82 й), А.Қодирий номидаги Маданият институти (1980 – 95)да ўқитувчи, доцент (1994). Хор дирижёри, композитор, болалар хори санъатининг фаол тарғиботчиси. "Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотланган (1994 йил). Композитор ижодида вокал мусиқа (айниқса, болалар учун яратган кўшиқлари) асосий ўрин тутатади: «Салом, мактаб», «Ғилдирагим», «Икки қўйманг, ўқитувчи!», «Сумалак», «Оймоможон ром бўлди», «Қизалоқ», «Хон атлас», «Бу юртнинг ёшлари», «Читти гул» (фольклор этнографик сюита), «Ассалом ҳаёт» кантатаси (Т.Илҳомов сўзи) ва бошқалар.

Давоми 6-саҳифада

Давоми. Боши 1-саҳифада

Мақсад — тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик

Мажлиса маданият, таълим, спорт ва фан-техника соҳаларини янада ривожлантириш бўйича ишларни давом эттиришга келишилгани, мамлакатлардаги бой тарихий, маданий меросни тарғиб этиш мақсадида минтақанинг сайёҳлик салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланишга оид алоқаларни ривожлантириш, бунда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган ШХТнинг Ўзбекистондаги дипломатия маркази (2018), шунингдек, Самарқанддаги "Ипак йўли" халқаро туризм университети имкониятларидан фойдаланиш таклиф этилганини айтиб ўтди. Бу бежиз эмас. Ўзбекистондаги дипломатия маркази ШХТнинг Хитой кўмитаси билан яқин қўшничилик ва ўзаро мустақкам дўстлик алоқаларини йўлга қўйган.

Шубоис яқин фурсат ичида Хитойнинг Шанхай шаҳрида Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиш мақсадга мувофиқ, – деди В.Норов – Бу эса шу пайтгача ташкилот томонидан ўтказиб келинаётган Хитой, Қозғистон, Тожикистон, Беларусь, Афғонистон, Озарбайжон мамлакатлари маданияти кунларининг давоми сифатида ҳамкор давлатлар аҳолисида ўзига хос, алоҳида, ёрқин таассурот қолдирган бўларди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев бу таклифни бажонидил қабул қилиб, 24 декабрь куни Шанхайда бўлиб ўтадиган "Ўзбекистон санъати ва маданияти кунлари"да ўзбекистонлик санъат ва маданият ходимлари, истеъдодли ёшлари бу каби улкан аҳамиятга эга бўлган анжуманни юқори савияда ўткази олишларига ишонч билдирди.

Сайёра Рихсиева

Мутулаа

Китоб маънавий дунёимиз ва онгли жамиятимизнинг қуёшидир. Китоб сарҳадсиз билим, маънавият, тафаккур манбаидир. Китоб ўзликни англатувчи, тарихни ўргатувчи, ўтмиш католаридан сабоқ берувчи, руҳиятни тарбияловчи, инсон ҳаёт йўлини эзгулик сари етакловчи маёқдир.

Лекин ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиб, интернет сайтлари кўпайган бир пайтда китобга эҳтиёж камайиб, қизиқиш ҳам бир мунча сусайгандек...

Китобхонлик маданияти



Бунга юртбошимиз Шавкат Мирзиёев алоҳида эътибор қаратиб, "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутулааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойишини эълон қилди. Бу китоб, китобхонлик маданиятининг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш борасида янги босқичлардан бири бўлди. Халқимиз китобхонлик тадбирларини катта хурсандчилик билан қарши олди. Ёшлар ўртасида китобга қизиқишни ошириш ва рағбатлантириш мақсадида "Ёш китобхон" кўрик танлови ва шунга ўхшаш қатор тадбирлар ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг китоб ишлаб чиқариш, китобхонлик ва китоб мутулаасига бўлган эътибори, жонкуйдириб билдираётган фикрлари катта аҳамиятга эгадир. Чунки китобга бўлган эътибор бутун бир миллатнинг бугуни ва келажакига бўлган эътибордир. Биз ёшлар ҳам юртбошимизнинг бу жонкуярлиги, қилаётган эътибор ва хайрихоҳликларига "лаббай" деб жавоб беришимиз, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наҳр Фаробий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбандий, Имом Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад Термизий, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби аждодларимизнинг дунё цивилизациясига катта ҳисса қўшган илмий асарлари, адабий меросини асраб-авайлаш, уни эътироф этибгина қолмай, бу меросдан баҳраманд бўлишимиз зарурдир. Чунки, мана шу аждодларимиз ва улар каби кўпга мутафаккир боболаримиз томонидан ёзилган

китобларидан, қўлёзмаларидан нафақат шарқда, балки ғарбда ҳам кашфиётлар яратилиб, уларга замонавий олимлар ҳам тан бериб келишмоқда.

"Китоб ҳар қандай билимнинг жони ва юраги, ҳар қандай фаннинг ибтидосидир", – дейди Стефан Цвейг. Китоб чиндан эзуликка бошловчи, доноликка етакловчи кучдир. Бу шундай кучки, ҳар қандай касбда, ҳар бир бошлаган ишмизда, қўяётган қадамимизни саодатга бошлайди. Тўғри, "ҳаётда умуман қўлига китоб тутмаган одамлар ҳам йўлини қилиб яшашптику" дейишингиз мумкин, лекин ўшалар ҳам қўлдан-қўлга ўтаётган хунар орқали яшаб келаётган бўлишлари мумкин. Агар шундай қобилиятли кишилар ҳам китоб билан тажрибаю, билимларини бойитишса, ўз устида ишлаб билим олишса, бутун инсониятга хизмат қилаётган тадқиқотлар, кашфиётлар устида ишлаб, одамларга фойдаси тегаётган бўлиши мумкин эди.

Афсуски, "Китоб сенга нима берарди, мактабга борсанг, билим олсанг дунёни олиб берармидинг?", деган фикр билан яшашмоқда баъзи юртдошларимиз. Ахир, дунёнинг бори шу илмда-ку! Китобда эмасми бутун дунё сирларини хази-наларини? Қайтанга оналаримизда ота-оналаримиз ўзлари ўрнатган бўлишлари, фарзандларига китобга муҳаббат уйғонишида ўзлари аввало ибрат бўлишлари керакдир. "Ёшимиз 40 дан ошганда энди китоб ўқиймизми, нимамизга ўқирдик" демасдан, бўш қолди деганча чойхонаю, ошхоналарга чопмасдан, фарзандлари билан биргалликда бир чиройли оилавий китобхонлик қилишса қани эди? "Ўзгаришни

энг аввал ўзингдан бошла" деб бекорга айтмайди буюклар. Аввало ўзимиз бўш пайтларимиздан самарали фойдаланиб, бирор бадиий ёки соҳамизга оид китоблардан фойдалансанг, ёки фарзандингиз тарбиясига, ҳулқ-атвориغا оид билимларни ўрганиб, уларни гўзал маънавият, маданият бўлишида ўзимиз бош-қош бўлсан нур устига аъло нур бўлар эди. Бунинг учун тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи лозим. Ахир, фарзандлар буюк инсон бўлиши учун, аввало, ота-оналар зиёли, маънавиятли бўлиши керак эмасми?

Киноларда, турли роликларда, рекламаларда ҳам европаликларнинг китобхонлигини, газетага бўлган қизиқишини кўриб ҳавасим келади. Улар ҳар кунни эрталаб янги келган газеталарни бир финжон қаҳва ичиб кўз югуртириб чиқишади, йўл-йўлакай метроми, автобусми, трамвай, транспорт воситаларида ҳам вақтларини зое кетказмасдан китоб ўқиб ёки газета тутган ҳолда кўраман. Ўқиганда ҳам китобларни рўхиятига қараб танлаб, керакли ва фойдали китобларни ўқишади. Ёки англиклари ҳам ўзи учун, соҳаси ёки қизиқишига қараб хоҳу спорт, хоҳ адабиётга ихтисослашган бўлсин, ўқишади. Ана китобга, газетга, илмга бўлган муҳаббат, ана маданият! Европанинг энг машҳур The Guardian, The Daily Mail, The Daily Telegraph, Marca, The Sun, Daily Mirror каби газеталарини олайлик. Ҳафтасига миллионлаб қиқарилаётган бу газеталарга энг замонавий технологиялар ишлаб чиқарилаётган, ихтиро қилинаётган, турли замонавий тезкор сайтлари бор европада ҳам эҳтиёж ҳамон мавжуддир.

Давоми 4-саҳифада

Ташриф

ЎЗМУ ректори Япониянинг фахрий унвони билан тақдирланди

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети ректори Аваз Мараҳимов Япония ОТМсининг фахрий унвони билан тақдирланди.

ЎЗМУ ректори бошчилигидаги делегациянинг Японияга ташрифи доирасида Сока университети билан беш йил-

га мўлжалланган ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Унга кўра икки давлат университети ўзаро профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви амалга оширади, илмий изланишларни биргаликда олиб боради.

Бундан ташқари Термиз ва Ахсикентда япониялик


ҳамкорлар билан биргаликда археологик ва этнографик илмий экспедицияларни ташкил этишга ҳам келишилди.

Ташриф доирасида Сока Гаккай Интернешнл Президенти Дайсаку Икеда ЎЗМУнинг "Фахрий доктори" унвони билан тақдирланди.

ЎЗА



Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!



Тадбирлар қанчалик аҳамиятли?

18 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириликнинг ҳамда Камалиддин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти ректори Н.Сайфуллаев ташаббуси билан Андижон вилояти Булоқбоши тумани Шарқ Юлдузи маданият марказида "Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" шiori остида тумандаги умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда машҳур кино ва театр актёрлари, Ўзбекконцерт эстрада бирлашмасининг бир гуруҳ хушовоз хонандалари, вилоят маданият бошқармаси вакиллари, Андижон санъат коллежининг дамли, зарбли жодгу йўналиши ўқувчилари ҳамда туман маданият бўлимининг ижодий ходимлари иштирок этишди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусни тарғиб этувчи турли ижодий ишлар кўргазмаси ташкиллаштирилди. Кўргазма ташриф буюрган меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Иштирокчилар, шунингдек, Шарқ Юлдузи маданият маркази қошида ташкил этилган доира, рубоб, чеварчилик, хонандалик тўғарақлари фаолияти билан яқиндан танишиб чиқишди. Тўғарақ аъзоларининг чиқишлари меҳмонларга манзур бўлди. Тадбирда К.Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти ректори Н.Сайфуллаев ва Булоқбоши туман ҳокими ўринбосари И.Тумановлар сўз олиб, кечанинг мазмун-моҳияти тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди ва тумандаги ёш, истеъдодли қаламкашларга қимматбахо совгалар улашишди. Тадбирнинг бадиий қисмида актёр Толибжон Мўминов, Ғайрат Бойназаров, Ўзбекконцерт эстрада бирлашмасининг хонандалари – Умида Абдурашидова, Ғайратбек Исоқов, Миродил Ҳакимов, Нилуфар Каримова, Фарҳодбек Нефтов, Наргиза Йўлдошева ва Барно Орзуқуловлар томонидан Она Ватанни мадҳ этувчи кўшиқлар ижро этилди.

Шунингдек, ташкилотчилар томонидан 19-22-24-октябрь кунлари тумандаги уюлмаган ёшлар, аҳоли ва умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ўртасида турли оммавий маданиятлар тарқалишининг олдини олиш юзасидан "Ўзбекино" миллий агентлиги тақдим этган янги "Сабок" номли фильм премьераси намойиш этилди. Премьерага ташриф буюрганлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, бундай тадбирлар ҳозирги кунда барча қатламдаги аҳоли учун жуда аҳамиятли эканини таъкидлашди.

Собиржон Сотволдиев, Булоқбоши тумани маданият бўлимининг ёшлар масалалари бўйича мутахассиси

Барҳаёд ижод



Шоҳ асарлар яратган мусаввир

Санъат кўнгили иши ҳисобланади. Қалбида меҳр-муҳаббати бор инсонгина тақдорланмас санъат асарлари ярата олади. Ҳайдарали Усманов ҳам ана шундай маҳоратли мўйқалам соҳиби эди. Унинг Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи санъат кўргазма залидаги экспозициясидан жой олган ижод намуналари орасидаги "Учлик" асари музейга ташриф буюрувчилар ва чет эллик меҳмонлар эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Асар зиёратчиларни ўйга толдириб, мулоҳазага чорлайди.

Ҳайдарали Усманов 1960 йилнинг 12 январида Наманган тумани Ирвадон қишлоғида туғилган. 1974 – 78 йилларда Тошкентдаги Республика махсус musiқа ва рассомлик санъат мактаб интернатиди, 1978 – 84 йилларда А.Н.Островский номли театр ва рассомчилик санъати олийгоҳида таҳсил олган. 1990 йилдан Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси. 1991-92 йилларда Бобораҳим Машраб мукофотида сазовор бўлган. 1996 йили Туркияда 36 та давлат иштирокида ўтказилган халқаро кўргазмада биринчи ўрин соҳиби бўлди. 2001 йил Ўзбекистон Республикасида "Энг улуг, энг азиз" кўрик-танлови ғолибига айланди. Асарлари Ўзбекистон, Россия, АКШ, Франция, Италия, Малайзия, Хитой ва Туркия сингари мамлакатларнинг кўргазмаларида намойиш этилган. Аммо, афсус, у ани ижод чўққисига етган чоғида 2015 йилда, 55 ёшида вафот этди. Асарларида миллий қадриятларимиз, удумларимиз, ўзлимиз акс этиб туради. Мусаввирнинг қуйида келтирилган асарларида бунини яққол кўриб, гувоҳи бўлишимиз мумкин.

"СОВЧИЛАР". Ҳайдарали Усманов бу асарида миллийлик, шарқона, айна чоғда умуминсоний бир ҳолат, ҳаётнинг ҳаяжонли, ҳал қилувчи муҳим ўзгариш содир бўлаётган лаҳзаларини тасвирлаган: бўйи етган, қишлоқлик қиз дераза олдида ҳовлига қараб турибди. Ҳовлида эса кимдир, балки унинг онаси шу қизни келин қилиш учун келган совчиларни қарши олмақда. Баҳорнинг нафис гуллари билан қизнинг қўйлагидида гуллар рангида уйғунлик бор. Бу аёл тимсолида ҳаётнинг муҳим бир даври, ота уйдан, она бағридан, ака-ука, опа-сингилларидан, болалик, қизлик фасли билан видолашуви акс эттирилган. Қизнинг кўзларидаги ҳолат асардаги ранглар билан очиб берилган. Деразадан хона томон қараётган аёл – совчилардан бири қизнинг келажаги бўлиб туюлади. Чунки у бўлғуси қайнонаси бўлиши мумкин.

"Совчилар" ИНВ.14390. Ўлчами 100x80см. Мато мойбўёк.

"Кутиш". Бу асарда қаҳрамонни дераза олдида кўрамыз. Рассом бу ерда ҳам ўз услубига содиқ қолади. Уй деворларининг бўёғи, дераза пардалари, ерга тўшалган палос, ҳамма-ҳамма нарасида оддий инсонлар турмуш тарзи, рўзгорига хос одмилик ва саришталик бор. Деразанинг икки қаноти ҳам очиб, ўриқнинг оппоқ гул билан қопланган шохи ва ҳомилидор жувоннинг, яъни бўлғуси онанинг ҳаёлларига тутшиб кетган. Мужассамот марказига аёлнинг сиймоси жойлаштирилган. Томошабин энг аввал унга аҳамият беради ва бошқа тафсилотларни кўздан кечирар экан, нигоҳи бот-бот ана шу сиймога қайтиб туради. Асарда биз аёлнинг чехрасини кўрмаймиз, бироқ унинг ўйларида ҳовлига сочилган офтоб нурулидек чароғон, ўрик дарахти гулларидек оппоқ ранглардан ташқари ташвиш ва ҳадиксираш қорамтир соялар орқали тасвирланган.



Кутиш. ИНВ 14389. Ўлчами 100x80 см. Мато мойбўёк.

"Ёш она" асарида ҳовлидаги шийпонли сўрида ёпинчик остидаги бешикда ухлаётган боланинг ёнида она чойшоба кашта тикиб ўтиргани акс этган. Ундаги она чехраси ширин орзу-ниятлар, фарзандининг келажаги ҳақидаги ўйлар билан йўғрилгандир. Ҳар қандай она борки, янги туғилган фарзанди учун сандигидан алоҳида жой ажратади. Фарзанди то улғайиб вояга етгунга қадар ўз қўллари билан чойшоба, жойнамоқ, қийик, дастурхон, сочик ва ҳар-хил каштали ёпқичлар тикиб сеп йиғади.

"Ёш она". ИНВ. 14247 Ўлчами : 100x80 см. Мато мойбўёк.

Мазкур асарларда ўзбек аёлининг ягона қаҳрамон сиймоси келтирилиб, бу унинг узлуксиз ҳаёти ҳақида рангли тасвирлар орқали акс эттирилган.

Мусаввир Ҳайдарали Усмановнинг "Учлик" деб аталган, ушбу ижод намунасида ўзбек халқининг миллий урф-одат ва анъаналари давом этиб келаётганлиги ҳақидаги фалсафий фикрларни идрок этиши мумкин.

Муҳаббат Атабаева, Манзура Холбаева, Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходимлари



Ибратли асар

Ёшлар қалбига меҳр улашиб

1 ноябрь куни Андижон вилояти ёшлар театри жамоаси тумандаги 14-умумтаълим мактабида бўлиб, 5 ташаббус доирасида М.Ҳамидовнинг «Сўнмас юлдуз» асари асосида саҳналаштирилган «Меҳр қолур» спектаклини намоиш этишди. Унда театрнинг маҳоратли актёрлари Ўткирбек Шукуров ижро этган Муҳаммад Юсуф сиймоси, Барно Мирзакаримова – доя аёл, Лутфулло Йўлдошев – Юсуф ота, Солияхон Бойхон-



боева – Турсуной момо, Гулбаҳор Жўраева – Энаҳон она, шунингдек, Воҳиджон Турдиев, Улугбек Гаффаров, Азизбек Турдалиевлар талқинидаги образлар томошабинларда катта таассурот қолдирди. Спектакль якунида туман ҳокимлиги ёшлар иттифоқи масъул ходими ва туман маданият бўлими мудири Х.Хотамовалар театр жамоасига миннатдорчилик билдириб, ижодий зафарлар тилади.

Менинг оролим

“Ўзбекистон манзаралари” акцияси



Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 31 октябрдаги хати ижросини таъминлаш мақсадида Жиззах вилоят ҳокимлиги Маданият бошқармасининг 2019 йил 2 ноябрдаги буйруғи асосида 6 ноябрь куни “Ўрда” экологик истироҳат боғида “Менинг оролим” шиори остида “Ўзбекистон манзаралари” акцияси бўлиб ўтди.

Тадбирни Маданият бошқармаси бошлиғи К.Фахрадов очиб берди. Сўнгра Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқитувчиси Ж.Жўраевнинг Орол фожиаси сабаблари ва оқибатлари тўғрисидаги 5 дақиқалик маърузаси тингланди. Кечада Ўзбекистон давлат филармонияси Жиззах вилоят бўлими эстрада хонандалари ҳамда Фориш туман 18-Бола-лар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари томонидан “Оролим” кўшиғи маҳорат билан ижро этилди. Шунингдек, Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактаби ҳамда барча БМСМ “Тасвирий санъат” ўқувчилари ўз чизган суратлари билан фаол иштирок этишди.

Бундан ташқари, ўқувчиларнинг “Менинг оролим” ҳамда “Ўзбекистон манзаралари” мавзуйда чизган расмлари махсус комиссия томонидан кўриб чиқилиб, 20 нафарига Маданият бошқармаси бошлиғи томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда 500 нафардан ортиқ аҳоли ва ёшлар қатнашишди.

Давоми. Боши 2-саҳифада

Жонли ижро



Анъанавий мақом кечаси

Ўзбек миллий мусиқа мероси авлодлар қалбига эзгулик уруғларини сочади. У руҳни тарбиялайди, маънавиятни юксалтиради, ватанпарварлик туйғуларини кўнгилларга жо этади.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, профессор Иброҳим Юлдашев ташаббуси билан олий таълим муассасасида ҳар ойда “Миллий кўшиқчилик” кафедраси томонидан “Анъанавий мақом кечаси” ташкил этилмоқда. Навбатдаги концертда кафедра мудири Миршод Элов институтнинг ижодкор профессор-ўқитувчилари билан бир қаторда истеъдодли талаба-ёшларни ҳам жонли ижрога чорлади. “Сайқал” ансамбли раҳбари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Дадаев “Туркманча” куйини ижро этди.

Дастурда Ўзбекистон халқ ҳофизси Оролмирзо Сафаров ҳамда Шомурод Дадаев ижросида “Гўзал тонг”, Аҳдам Ашурув “Дийдор ўзинг”, Гўзал Ақромов “Қаро кўзлар”, Башорат Тўрабева “Қўқонча”, Хотамжон Зокиржонов “Бормикин”, Зайнаб Худоёрованинг “Ошиқлик” каби бетакрор кўшиқлари янгради. Ўзбек мумтоз адабиётининг сара намуналари куйга солинган гўзал оҳанглар сеҳрида инсон руҳияти аллаланади, ширин ҳиссиёт уйғонади. Профессионал ижро маҳорати, институтда “устоз-шоғирд” анъанасининг бардавонлиги, мусиқа илмининг нозик сирларини ўрганаётган ёшлар тарбияси баркамолликка етаклайди. Мазкур концерт дастури ана шундай улкан мақсадлар муштараклигида тақдим этилди.

Дастур якунида ректор Иброҳим Юлдашев сўзга чиқиб, ижодкорларни “Анъанавий мақом кечаси” гўзал шукҳда ўтгани билан табриклади. Муҳтарам юртбошимиз мамлакатимизда Ўзбек миллий мусиқа меросини асраб-авайлаш, ёшлар онгига сингдириш ва келгуси авлодга етказиш борасида олиб бораётган улкан ислохотларига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ҳар ойда юқори савияда ўтказилаётган “Анъанавий мақом кеча”лари профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар учун нақадар керакли эканини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга, концерт ташкилотчилари ва иштирокчилари барча жараёнларни фотолаваҳга кўчириб, ўқув йили якунида педагог Миршод Элов бошчилигида катта альбом яратиш таклифини билдирди. Мазкур жараёнлар барчаси хотира сифатида сақланиб, келажакда институтнинг архив фондидан жой эгаллайди.

Асрларга тенг ижод – маҳорат қирраларини ва гўзал ижодий парвозларни дунёга келтиради. Зеро, тиним билмай оқаётган умр кунларида яратилган бебаҳо асарлар, бетакрор ижролар номимиз ва шонимизни мангуликка муҳрлаб қолажак!

Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Магбуот котиби



Китобхонлик маданияти

Ҳаттоки, Шимолий Ҳиндистонда чиқариладиган ҳафталик Indian Times газетаси обуначилари миллиондан ортиқроқ. 2008 йилда газета 1 миллион 114 минг нусхада чиқарилган экан. Ҳайратланарли, тўғрими? Ҳозирги кунга келиб 3 млн. 321 минг 702 нусхада чоп этилмоқда! Солиштироқчи эмасман. Аммо бизнинг газеталаримизга бўлган эҳтиёж ҳам, чиқарилаётган газеталаримиз сони ҳам аҳоли сонига нисбатан қониқарли даражада эмас, назаримда.

Майли, юртимизда метроларимиз ораси қисқа бўлиши мумкин, шовқин деймиз, баҳоналаримиз бисёр, автобуслар ичи тикилинчидир, лекин ўзимиз учун, жамият ҳаётидан бохабар бўлишимиз, ўз қизиқишларимизга оид янгиликлардан хабардор бўлиб туришимиз, онгу шууримизни, савиямизни дунё даражасида ўстиришимиз юксалиб бораётган ватанимиз учун дахлдорлик ҳиссини туюшимиз керак эмасми? Ахир, бўлаётган барча ўзгаришлар, имзоланаётган қарорлар, қилинаётган ишлар шу халқимиз учун, бизнинг манфаатларимизни ўйлаб амалга ошириляпти-ку?! Бизлар эса жадал ривожланаётган замонда ҳаттоки юртимиз воқеаларидан ҳам, амалга ошириляётган ишлар-у, қабул қилинаётган қарорлардан ҳам баъзан хабаримиз блмай қолади. Фақат ишимиз тушса-

гина қидирамиз, суриштира бошлаймиз. Бефойда ва бемаъни сайтлару, ўйинлар билан қимматли вақтларимизни кўкка соураимиз. Бундай кераксиз ва савиясиз маълумотлардан сақланиш учун ҳам аввало ақл бўлиши, бўлганда ҳам иммунитетимиз шаклланган бўлиши керак-ку!

Юртимиз ўрта асрлардан Шарқ маданияти ва маърифати ўчоғи бўлиб келган. Шундай экан, улуг олимларимизга мос равишда китобхонлик, китоб мутолааси учун қилинаётган давлат даражасидаги эътибор, юртбошимизнинг жонқуярликлари беиз кетишига йўл қўймаганимиз даркор. Фақатгина “Ёш китобхон” танлови учунгина эмас, аждоқларимиз шаъни ва авлодларимиз буюк келажиги учун китобни қадрлашни, унга бўлган муҳаббатни ўзимиздан бошлайлик. Юқорида айтилган фикрлар хулоса сифатида “Китоб” ҳақидаги шеъримни илдиним:

КИТОБ

Азалдан абадгача етгувчи бир йўл бўлган,
Кимдир етган манзилга, кимнинг йўли сўл бўлган.
Устун бўлган дунёга ўз нафсини енганлар,
Дунёда одам калми ўз нафсига қўл бўлган.
Комил бир шахсиятни ўстиргувчи китобдир,
Уша нафс йўлларида тўсдиргувчи китобдир!

Мен издош бўлармидим буюк йўлим бўлмаса?
Ўзликни танирмидим она тилим бўлмаса?
Буюк меросга тўла боболарим юртида,
Шунча юксалармидим гар билим бўлмаса?
Якдил маънавиятни ўстиргувчи китобдир,
Бекорчиликнинг ўйин тўсдиргувчи китобдир!

Баъзан нопок ғоялар онгни бузиб бормоқда,
Хира туманлар янглиғ тонгни бузиб бормоқда.
Онгсизлар қай томонга бурса бурилиб кетди,
Оқиллар тек турибди, билимсизлар қармоқда.
Ёмонликлардан қалбни тўсдиргувчи китобдир,
Гўзал маданиятни ўстиргувчи китобдир!

Бу ҳаётда номардан мардни айирмоқ керак,
Юртининг соф тупроғидан гардни айирмоқ керак,
Ақлинг бўлмаса қандай айирасан нодонни,
Миллатнинг юрагидан дардни айирмоқ керак.
Елкадош, содиқ дўстни танитгувчи китобдир,
Юракда юрт ишқини англагувчи китобдир!

Ниятулло Элбек ўғли

Ижодий сафар

«Азизим менинг»



28 октябрь куни Ўзбекистон давлат Рус академик драма театри жамоаси Қорақалпоғистон Республикасида ижодий сафарда бўлди. Бердақ номидаги академик музыкали театрида «Азизим менинг» номли спектакли намойиш этишди.

Рус драматурги М.Ворфоломеевнинг «Янги йилингиз билан!» номли пьесаси асосида саҳналаштирилган ушбу асар инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат,


муҳтожларга ёрдам бериш, юрагида соф муҳаббати бўлган одамларгина дунёни гўзалликка тўлдира олиши мумкинлигини акс эттиргани билан ҳам томошабинлар эътирофига сазовор бўлди.

Режиссёр У.Шерметов саҳналаштирган спектакльда театрнинг моҳир актёрлари А.Кораблев ҳамда Н.Шерметовлар ижро этган роллар томошабинларга манзур бўлди.

Халқаро маданий алоқалар

Сингапурда ўзбек бурчаги

29 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Сингапурдаги элчихонаси Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги кўмагида Сингапурнинг етакчи ва таниқли ЛАСАЛЛЕ санъат коллежида «Сингапурдаги ўзбек маданияти бурчаги»нинг очилиш маросими ўтказилди. Унда ЛАСАЛЛЕ коллежи вице-президенти доктор Венка, ўқув юртининг профессорлари ва талабалари, шунингдек, меҳзон юртининг экспертлари, илмий-маданий соҳалар вакиллари иштирок этишди.




Маълумот учун: 1984 йилда ташкил топган ЛАСАЛЛЕ санъат коллежи Сингапурдаги етакчи ва машҳур замонавий санъат коллежи ҳисобланади. Коллежнинг инновацион ва илғор ғоялари унинг асосчиси, Де Ла Салленнинг акаси, таниқли расом ва маърифатпарвар Жозеф МакНелнинг қарашлари билан уйғун. Коллеж нотижорат хусусий таълим муассасаси бўлиб, унга Сингапур Таълим вазирлигидан таълим грантлари ажратилади.

Коллежнинг ўқитувчиларига таниқли расомлар, дизайнерлар ва тадқиқотчилар раҳбарлик қилишади. Улар ўзларининг инновацион ишларида ЛАСАЛЛЕНИ илғор дизайн тажрибасининг халқаро маркази сифатида кўрсатишмоқда.

Коллеж ўқув дастури Лондоннинг Голдсмит университети томонидан тасдиқланган.

2015 йилда коллеж Хусусий Таълим Кенгаши томонидан берилган хусусий ўқув муассасаси учун энг нуфузли муқофот – EduTrust юлдузини олган Сингапурдаги биринчи маҳаллий ўқув муассасасига айланди.

«Сингапурда ўзбек маданияти бурчаги» учун Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан «Ўзбекистон анъаналари ва маданияти», «Ўзбекистон театрлари», «Ўзбекистон давлат музейи», «Темурийлар тарихи давлат музейи дурдоналари», «Самарқанд музейи дурдоналари», «Асрлар давомида сақланган жўшқинлик» (Савицкий номидаги санъат му-



дам беради.

Санъат коллежининг вице-президенти Лсала Венка ўз нутқида Ўзбекистон-Сингапур маданий-гуманитар алоқаларининг сўнгги йиллардаги даражаси ва фаоллашганини юқори баҳолади. Дарҳақиқат, Сингапур маданият ва сайёҳлик компаниялари вакиллари турли тадбирларда фаол иштирок этишяпти. Улар Ўзбекистондаги халқаро форумларда шунингдек, ўзбекистонлик маданият ва спорт вакиллари Сингапурда ўтказилган халқаро мусобақаларда совринли ўринларни эгаллади.

Ўзбекистон Республикасининг Сингапурдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси К.Шакиров маданий-гуманитар ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш зарурлигини таъкидлаб, ўзaro муносабатларни барқарорлаштириш, шу жумладан, «Сингапурда Ўзбекистон маданияти кунлари» ва «Ўзбекистонда Сингапур маданияти кунлари»ни ташкил этиш имкониятларини ўрганиб чиқди.

– Ўзбекистон – бой тарихга эга мамлакат, – дейди К.Шакиров. Бугунги кунда ўзбекистонлик талабаларнинг кўпи Сингапурда таҳсил олишади ва умид қиламизки, ўзбек маданиятининг мазкур бурчаги улар учун ўз ватанларининг бир қисмига айланиди, шунингдек, ҳеч бўлмаганда ўзининг ажойиб маданий меросини сингапурлик тендошлари га етказиш учун имконият бўлади.

Бир шоир ҳаёти



Муҳаммад Юсуфни хотирлаб...

Муҳтарам юртбошимиз илгари сурган 5 ташаббусни амалга ошириш бўйича 10 кунлик чора-тадбирлар йўл харитасига биноан Андижон вилоятининг «Ёшлар» театри Хонобод шаҳар 8-Болалар musiқа ва санъат мактабида бўлишди. Улар мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларига атоқли шоир Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижоди акс эттирилган театр томошасини намойиш этишди. Тадбир сўнггида Хонобод шаҳар маданият маркази мудир Д.Отажонова сўзга чиқиб, «Ёшлар» театри жамоасига, хурматли меҳмонларга миннатдорчилик билдирди.

Истеъдод



«Менинг нуриим – музиқа»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бешта ташаббусини амалга ошириш, ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш ва уларда музиқага бўлган қизиқишни кучайтириш мақсадида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Севара Мирсидикованин «Менинг нуриим – музиқа» деб номланган концерти бўлиб ўтди.



Севара – Ўзбекистон давлат консерваториясининг 3-босқич талабаси, шунингдек, халқаро пиано танловлари лауреати. У ижод масканидаги «Музикология» факультетининг «Музикий назария» мутахассислиги бўйича илк таҳсил олаётган талаба. Севаранин ўқитувчиси «Умумий фортепиано» кафедраси доценти, профессор Галина Шомирзаевадир. Устознинг тажрибаси ва тинимсиз меҳнати билан И.С.Бах, Л.Бетховен, В.Моцарт, С.Рахманинов, С.Прокофьев, Е.Григ, Ф.Мендельсон каби машҳур композиторларнинг музыкалари асосида мураккаб концерт дастури тайёрланди.

Жўшқин кечада Ногиронлар жамияти, шу жумладан, Ўзбекистондаги Кўзи ожизлар жамияти вакиллари, musiқа муассасаларининг талаба ва ўқитувчилари, Севаранин оиласи ва яқинлари иштирок этишди. У томошабинлар талабига биноан Сергей Рахманиновнинг «Еллегия» асарини ҳам ижро этди.

Истеъдод

Бахтиёр болалик

Фориш тумани Маданият маркази қошида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларда рақс санъатига бўлган қизиқишни ошириш мақсадида рақс тўғараклари ташкил этилган. 26 октябрь куни 33-умумтаълим мактабида ушбу тўғарак аъзоларининг ҳисобот кон-

церти намоиш этилди.

Тадбирда А.Мамадиёрова раҳбарлигидаги “Шабнам”, З.Ҳайдарова — “Мўъжиза”, Ф.Ҳайдарова — “Жозиба” рақс жамоалари томонидан “Юртим”, “Анор”, “Қизларжон”, “Уч патир”, “Қизалоқ”, “Элим”, “Пахта” ва Хоразм халқ қўшиқларига рақслар

ижро этилди.

Шунингдек, туманда ўтказилган тадбирларда фалол иштирок этган тўғарак қатнашчиларига Маданият бўлими томонидан фахрий ёрликлар топширилди.

Ш.Дархонов, Маданият маркази мутахассиси



Халқаро туризм

Шаҳримизга келувчи сайёҳлар сони ортмоқда



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Фармонида мувофиқ Ўзбекистонда саёҳат туризмни янада ривожлантириш мақсадида Қўқон шаҳрида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, Халқаро ҳунармандчилик фестивалидан сўнг шаҳримизга келувчи сайёҳлар сони ортди. Куни кеча қўшни Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Панжикент туманидан бир гуруҳ сайёҳлар ташриф буюришди. Улар Қўқон шаҳрининг тарихий обидалари ва диққатга сазовор масканлари билан яқиндан танишиб, ҳунармандлар тайёрлаётган маҳсулотларни кўришди.

Бундай саёҳатларни ташкиллаштиришдан мақсад, ҳар икки давлат ўртасида дўстлик ришталари, давлатлараро алоқаларни янада мустаҳкамлашдан иборат, — дейди Тожикистон Республикасидан ташриф буюрган гуруҳ раҳбари Раҳматжон Махмашоев.

Шу куни сайёҳларнинг дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун “Жоме мажмуаси”да Қўқон шаҳар Маданият бўлимига қарашли “Сарвиғул” халқ ансамбли ходимлари беминнат хизмат кўрсатдилар. Улар ижросидаги дилтортар куй-қўшиқлар барча сайёҳлар қалбидан чуқур ўрин олди десак муболаға бўлмайди.

Н.Усмонов,

Қўқон шаҳар маданият бўлими ходими

Давоми. Боши 2-саҳифада

Ўзбекистон халқ артисти Шермат ЁРМАТОВ – 80 ёшда



Аксарият қўшиқлари турли мусиқа тўпламларида нашр этилган, бугунга қадар боғча ва мактаб ўқувчилари учун қўлланма вазифасини ўтаб, тилдан-тилга ўтиб ижро этиб келинмоқда.

Кечада, шунингдек, Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев сўзга чиқиб, ижодкорнинг ўзбек санъати ривожига қўшган хиссаси: хор жамоаларида, композиторлик ишларида, болалар хор ансамбллари ва улар учун басталаган куй-қўшиқлари, ташкил этган ансамбль ва гуруҳлари фаолиятига ҳам алоҳида тўхтади.

Дастур давомида Шермат Ёрматовни издошлари, шогирдлари, ўзбек театр ва кино актёрлари айём билан қутлашди. “Булбулча” болалар хорининг ёшлари ватан ҳақидаги қўшиқлари ила барча томошбинларни хушнуд этишди. Концерт меҳмонлари, хонанда ва созандалар ҳамда “Тантана”, “Марварид”, “Томоша”, “Ором” болалар ашула ва рақс гуруҳлари ўз чиқишлари билан кечага файз киритдилар.

Бебаҳо мерос

Қорақалпоқ аҳли ўз кийим-кечаклари ва уй-рўзғор буюмларига безаклар бериб, уларга алоҳида эътибор билан қарашган. Бу эл аёллари каштачилик, тўқимачилик билан шугулланишган бўлса, эркаклари ёғоч устачилиги, темирчиликда донғи кетган. Кийимларида халқнинг яшаш шароити, географик жойлашуви ўз аксини топган. Қорақалпоқ қизлари 12 – 14 ёшидан кашта тикишни, тўқимачиликни ўргана бошлаган. Улар турмушга чиққунларигача кийим-кечакларини, уй-рўзғорда фойдаланиладиган буюмларини тикиб, тахт қилиб қўйишган. Асосан ўтовни безаш, мустаҳкамлаш мақсадида ишлатиладиган гиламчалар, маҳсулотларни сақлашга мўлжалланган қоплар ва бошқа керакли буюмларни тўқишган.

Қорақалпоқ тарихига бир назар



Тадқиқотчилар тўқимачилик маҳсулотларини икки турга бўлишади: тукли ва туксиз усулда гилам тўқиш. Булардан ташқари, орқа томони туксиз усулда тўқилган матога тукли нақш безак бериш, яъни аралаш усул ҳам кенг тарқалган. Аралаш турида бир неча хилдаги гиламчалар, хусусан, нақшли томони ўтов ичига қаратилган, уни безаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилувчи – *ақ басқур*, ўтовни ташки ва ички томондан декоратив безаш мақсадида қўлланиладиган гиламча – *жамбау*, эшикнинг ҳар икки томониغا тиккасига тортиладиган, кигиз юзасига тикиладиган безак – *ший онгир* тўқилган.

Қорақалпоқларнинг туксиз усулда ишланган гилам маҳсулотларига *қизил басқур*, *ақ қур*, *қизил қурлар* мисол бўлади. *Қизил басқур* – *ақ басқурга* ўхшаш, ўтовнинг ички қисмини безашда қўлланилиб, *ақ басқур*нинг остидан уй бўйлаб айлантириб тортилади. *Ақ қур* – энсиз оқ рангли гиламча, унинг том қисмига қопланган кигизга қадаб тикилади. *Ақ қурларга* оддий, сийрак жойлашган ромб ва “*муийз*” (ҳайвон



шохи) каби геометрик нақшлар туширилган. Шунингдек, унинг декоратив гўзаллигини намоён этувчи *қизил қур* кигизга тикилиб, *ууқлар* орасидан тортилиб, осилтириб қўйилади, натижада ўзаро боғланган чиройли нақшли тасмалар тўри ҳосил қилинади.

Тукли усулда тўқилган қорақалпоқ гиламларига *қаршин* ва *есикқас* мисол бўлади. *Қаршин* кийим-кечак ва бошқа мато маҳсулотларини солиб қўйишга мўлжалланган узунчоқ кўринишдаги халтанин олд томони сифатида хизмат қилган. *Қаршин* устидан кўрпа-тўшаклар йғиб қўйилган.

Есикқас ҳам худди қаршинга ўхшаш ҳажмга эга. У ўтов эши-

гининг ички юқори қисмига тутиладиган кичкина гиламча бўлиб, “*муийз*” нақшлари билан безалган.

Бундан ташқари, нарса-буюмлар, идиш-товоқларни солиб қўйишга мўлжалланган махсус гиламча – *керги* астарланиб тикилган. *Керги* ўтов ууқларига, кириш эшиги ёнидаги тегишли жойга осиб қўйилган.

Юқорида келтириб ўтилган тўқимачилик маҳсулотлари Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейининг этнография фондида сақланмоқда. Қорақалпоқлар ўтовидида қўлланилган турли усулда тўқилган гиламчалар, ўтов безаклари аждоқларимизнинг чеварлигидан далолат. Улар музейнинг янги экспозициясидан жой олган бўлиб, бу ерга ташриф буюрган томошбинларда ўзгача таассурот қолдирмоқда. Халқимизнинг бебаҳо мероси саналмиш мазкур экспонатлар, ўсиб келаётган ёш авлодларимизга ўзлигини англашда ва ватанга бўлган мухаббатини оширишда катта аҳамиятга эга.

Венерат Оразбаева,
Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими

Жаннат ўлкам...

Ёш дирижёрлар кўпайсин!

Ёшларнинг маданий савиясини юксалтиришни кўзлаган юртбошимизнинг 5 та ташаббуси доирасида ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2019 йил 10 октябрдаги топириги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 16 октябрдаги «Мен – дирижёрман» лойиҳасини ўтказиш тўғрисидаги буйруғини таъминлаш мақсадида 26 октябр кун Фарғона вилояти Бешарик

туманидаги 18-Болалар мусиқа ва санъат мактабида тадбир ўтказилди. Кечага туман Халқ таълими бўлимига қарашли барча умумтаълим мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчилари тақлиф этилди. Дастлаб А.Облобердиевнинг «Мен – дирижёрман» мавзусидаги маърузаси тингланди. Унда дирижёр сўзининг маъноси, мақсуд санъат турининг келиб чиқиши ҳамда юртимизда фаолият юритаётган дирижёрлар

ижоди ҳақида гапирилди. Кейин навбат Болалар мусиқа ва санъат мактаби қошида ташкил этилган «Шодиёна» оркестр жамоасига берилди. Улар томонидан ижро этилган «Ялама-ёрим», «Том бошида тоғора» мусиқий асарлари кечани янада жонлантирди. Унга ўзбек халқ чолғу созлари бўлими ўқитувчиси Ж.Қобуллов дирижёрлик қилди. Дастурда муассасанинг каттаю кичик хор жамоалари ижросида «Кулча нон»,

«Ўзбекистон – жаннат» кўшиқлари ҳам баралла янгради. Бу жамоаларга хор синфи ўқитувчиси Н.Орипова ҳамда Г.Нўмоновлар дирижёрлик қилишди. Сўнгра ўқувчилар билан дирижёрлик ҳақида савол-жавоблар ўтказилди. Тадбир кўтаринки кайфиятда кечди ва барчада катта таассурот қолдирди.

Х.Тожибоева,
18-БМСМ директори

Реклама

1 Аукцион савдолари хабарномаси

«BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этилади.

1. 2019 йил 11 декабрь кун соат 11:00да ташкил этиладиган савдоларга Наманган вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси Уйчи туман тиббиёт бирлашмасининг 01.11.2019 йилдаги №01/5080-сонли буюртмасига асосан бирлашма ҳисобидаги 1984 йилда и/ч, д/р 50 234 LAA, техник ҳолати носоз бўлган «ИЖ2715» русумли (махсус тиббий ёрдам) автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси 1 499 000 сўм.**

2. 2019 йил 11 декабрь кун соат 11:30да ташкил этиладиган савдоларга Наманган вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси Тўрақўрғон туман тиббиёт бирлашмасининг 25.10.2019 йилдаги №01-13/1150-сонли буюртмасига асосан бирлашма ҳисобидаги қуйидаги қишлоқ хўжалик техникалари алоҳида ЛОТ тартибда кўйилмоқда. **1. Бошланғич баҳоси 1 560 770 сўм**, 1992 йилда и/ч, д/р 528 AA 50UZ, техник ҳолати носоз бўлган «Т-28х4МС1» русумли трактори. **2. Бошланғич баҳоси 1 256 000 сўм**, 1992 йилда и/ч, д/р 121 AA 50 UZ, техник ҳолати носоз бўлган «2-ПТС-4-793А-03» русумли тиркама.

3. 2019 йил 11 декабрь кун соат 12:30да ташкил этиладиган аукцион савдоларга Наманган вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси Чортоқ болалар сяхаттоҳининг 30.10.2019 йилдаги 04/129-сонли буюртмасига асосан сяхаттоҳ ҳисобидаги қуйидаги қишлоқ хўжалик техникаси ҳамда автотранспорт воситалари алоҳида ЛОТ тартибда кўйилмоқда. **1. Бошланғич баҳоси 3 080 000 сўм**, 1990 йилда и/ч, д/р 50 927 LAA, техник ҳолати носоз бўлган «УАЗ 3032» русумли юк (бортли) а/в. **2. Бошланғич баҳоси 1 256 000 сўм**, 1984 йилда и/ч, д/р 99-18 NB, техник ҳолати носоз бўлган тиркама. **3. Бошланғич баҳоси 3 925 000 сўм**, 1998 йилда и/ч, д/р 50 649 LAA, техник ҳолати носоз бўлган «Дамас» русумли енгил (седан) а/в.

4. 2019 йил 11 декабрь кун соат 14:00да ташкил этиладиган аукцион савдоларга Наманган вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси ихтисослаштирилган автотранспорт корхонасининг 05.11.2019 йилдаги 99-сонли буюртмасига асосан автотранспорт ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари алоҳида ЛОТ тартибда кўйилмоқда. **1. Бошланғич баҳоси 2 230 000 сўм**, 1993 йилда и/ч, д/р 50 373 JAA, техник ҳолати носоз бўлган «ГАЗ 31029» русумли енгил (махсус) а/в. **2. Бошланғич баҳоси 9 150 000 сўм**, 1997 йилда и/ч, д/р 50 592 WAA, техник ҳолати носоз бўлган «Дамас» DLX русумли махсус (тиббий ёрдам) а/в. **3. Бошланғич баҳоси 9 350 000 сўм**, 1998 йилда и/ч, д/р 50 145 GAA, техник ҳолати носоз бўлган «Дамас» русумли махсус а/в. **4. Бошланғич баҳоси 11 450 000 сўм**, 2004 йилда и/ч, д/р 50 594 WAA, техник ҳолати носоз бўлган «Дамас» русумли махсус (тиббий ёрдам) а/в.

Талабгорлар диққатига

Аукцион савдоси ўтказилмаган мулк бўйича такрорий аукцион савдоси 19 йил ҳамда 26 декабрь кунлари соат 12:00да бошланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2019 йил 11 декабрь кундаги савдо учун 10 декабрь, 19 декабрь кундаги савдо учун 18 декабрь, 26 декабрь кундаги савдо учун 25 декабрь кунга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузилладиган закат пули тўғрисидаги келишув шартномасига биноан мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизи миқдориди закат пуллари тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолиби бўлган талабгорлар томонидан аукцион ташкилотчисининг ҳисоб рақамига мулк сотилиш нархининг 3,0 (уч) фоизи миқдориди комиссия йиғимини ҳамда қўшимча хизматлар учун пул тўловларини тўлаб беради.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Заказат тўлови учун реквизитлар: «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ, х/р: 20208000500842710001, АТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 305300366.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан ташкилотлар ходимлари иштирокида жойга чиқиш танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон: Манзил: Наманган вилояти Наманган шаҳар, Жийдакапа кўчаси 67-уй. Тел: (99) 862-16-71, E-mail: bas_savdo@mail.ru, гувоҳнома № 576174.

ТУЗАТИШ

«BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ томонидан Маданият газетасининг 10.10.2019 йилдаги № 41 (71)-сониди берилган эълоннинг Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 10 октябр кунга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик) деган жумласи;

Аукцион савдоси ўтказилмаган мулк бўйича такрорий аукцион савдоси 2019 йил 19 ҳамда 26 ноябрь кунлари соат 12:00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2019 йил 11 ноябрь кундаги савдо учун 8 ноябрь, 19 ноябрь кундаги савдо учун 18 ноябрь, 26 ноябрь кундаги савдо учун 25 ноябрь кунга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик) деб ўқилсин.

Аукцион савдолари хабарномаси



1. 2019 йил 10 декабрь кун соат 11:00да ташкил этиладиган аукцион савдоларига Бухоро вилоят Ички ишлар бошқармасининг 2019 йил 05 ноябрдаги № 10/125-сонли буюртма-хатига асосан бошқарма ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари

Лот №	Авто русуми	Давлат рақами	Ишлаб чиқарилган йили (йил)	Бошланғич баҳоси
1	Дамас	80/018VSVF	1996	6 371 150
2	Ивеко	80/245VSVF	1999	35 714 633
3	Ивеко	80/246VSVF	1999	38 541 944
4	BA321061	80/8130AA	1996	3 876 053
5	Дамас	80/267VSVF	1997	6 055 070
6	Тико	80/281VSVF	1998	3 665 740
7	Дамас	80/197VSVF	1996	6 359 915
8	ИЖ 27156	80/199VSVF	1994	4 689 878
9	Тико	80/675VSVF	1996	3 546 000
10	BA321061	80/372VSVF	1990	2 857 203
11	Отайл	80/248VSVF	1999	38 847 558
12	Матиз	80/288VSVF	2002	7 055 719
13	Матиз	80/289VSVF	2002	7 055 719
14	Дамас	80/384VSVF	2000	5 588 920
15	Тико	80/056VSVF	2003	4 572 973
16	Дамас	80/272VSVF	2004	5 703 370
17	УАЗ31512	80/263VSVF	1995	5 000 310
18	ГАЗ 53	80/253VSVF	1990	7 161 849
19	УАЗ31512	80/362VSVF	1994	5 254 095
20	Дамас	80/264VSVF	1999	6 497 360

21	Форд	80/058VSVF	1991	7 032 071
22	Тико	80/678VSVF	1999	4 066 840
23	Тико	80/029VSVF	1999	4 138 840
24	Матиз	80/421VSVF	2002	5 288 862
25	BA321099	80/673VSVF	2003	4 389 306
26	BA3 2107	80/674VSVF	2002	4 113 940
27	BA321099	80/7990AA	2002	4 080 118
28	Тико	80/305VSVF	2002	4 049 200
29	BA321061	80/277VSVF	1990	2 857 203
30	Нексия	80/349VSVF	2000	5 196 540
31	Принц	80/435VSVF	1996	7 049 548
32	Тико	80/375VSVF	2002	3 054 974
33	Нексия	80/8040AA	1996	5 113 523
34	Дамас	80/366VSVF	2002	5 477 935
35	BA321063	80/276VSVF	1991	2 903 548
36	Дамас	80/401VSVF	1997	7 399 920
37	Дамас	80/370VSVF	1999	5 308 360
38	Нексия	80/346VSVF	1999	6 754 113
39	Матиз	80/224VSVF	2002	5 055 719
40	BA321059	80/309VSVF	1992	2 823 375
41	BA321061	80/314VSVF	1991	2 233 393
42	РАФ22031	80/131VSVF	1991	5 547 669
43	BA321061	80/195VSVF	1991	2 916 304

аукцион савдоларига қўйилмоқда.

2019 йил 10 декабрь кун аукцион савдолари бўлиб ўтмаган ЛОТ бўйича 2019 йил 17, 24 декабрь кунлари такрорий аукцион савдолари ташкил этилади.

2. 2019 йил 11 декабрь кун соат 11:00да ташкил этиладиган аукцион савдоларига «Ўзбекистон почтаси» АЖ Бухоро филиалининг 2019 йил 04 ноябрдаги №721-сонли буюртма-хатига асосан почта ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади.

Лот №	Авторусуми	Давлат рақами	Ишлаб чиқарилган йили (йил)	Бошланғич баҳоси
1	«Дамас» VAN CHГ	80/612CAA	2005	11 555 533
2	ГБА CHГ «Дамас»	80/859GAA	2005	13 787 363
3	«Дамас» 150 VAN CHГ	80/116RAA	2007	19 667 022
4	ГБА CHГ «Дамас»	80/807GAA	2007	17 571 958
5	«Дамас» VAN CHГ	80/610GAA	2007	18 614 757

2019 йил 11 декабрь кун аукцион савдолари бўлиб ўтмаган ЛОТ бўйича 2019 йил 18, 25 декабрь кунлари такрорий аукцион савдолари ташкил этилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳар, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузилладиган закат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закат пуллари тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Заказат тўлови учун реквизитлар: «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти СТИР 305300366, МФО 00115, АТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000300842711002.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон.

«Аукцион ташкилотчиси» - «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти.

Манзили: Бухоро шаҳар Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават). Тел: +998 91 414-97-00.

E-mail: bas_savdo@mail.ru, гувоҳнома № 576174

Танлов

“Озарбайжон маданияти ва адабиёти” кунлари



2 – 5 ноябрь кунлари Хоразм вилоятига Озарбайжон Республикаси делегацияси ташриф буюрди. Шу муносабат билан “Ичан қалъа” давлат музейи кўриқхонасида фотоқўргазма ва миллий либослар намоиши ўтказилди. Бундан ташқари, меҳмонлар томонидан “Озарбайжон миллий таомлари маҳорат дарслари” ташкил этилди.

Шунингдек, 4 ноябрь куни вилоят мусикали драма театрида Озарбайжон Республикаси билан ҳамкорликда концерт дастури тайёрланиб, маданий тадбир ўтказилди. Унда туманлар фольклор этнографик гуруҳлари, филармония жамоаси билан бирга таниқли, истеъдодли, ёш санъаткорлар ҳам иштирок этди.



Маданий алоқалар

Гран-при муборак, болажонлар!



31-3 ноябрь кунлари Каттақўрғон шаҳридаги 2-Болалар мусиқа ва санъат мактабининг «НАФИС» рақс жамоаси «ТАН-ЦУЙ ОСЕЙ ДУШОЙ» деб номланган халқаро танловда иштирок этиб, Гран-прига сазовор бўлди. Шунингдек, улар Туркияда бўлиб ўтайдиган танловга 50% чегирмали сертификат ва таклифномани қўлга киритишди.

Устоз ва шогирд



Баркамол авлод тарбияси

Санъат инсонларни оҳанрабодек ўзига тортади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш” бўйича 5 муҳим ташаббуси доирасида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Миллий қўшиқчилик” кафедраси ўқитувчиси Наврўзбек Собиров Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги 26-Болалар мусиқа ва санъат мактабида чолгу ижрочилиги бўйича маҳорат дарсларини ўтди.

Мусиқага қизиқувчи болалар қалбда эзгулик уруғлари етишиб чиқади. Наврўзбек Собиров ёшларга ўзбек миллий чолгу ижрочилиги сирларини ўргатиб, улардаги қобилиятларни янада ривожлантириш, келгусида олий таълим муассасаларида сабоқ олиб, “устоз-шогирд” анъаналарини давом эттириш, мақом қўшиқларини ижро эта олиш, овоз имкониятларини кенгайтириш борасида зарурий билимларни ўртоқлашди. Ўзбек миллий мусиқа меросини асраб-авайлаш, баркамол авлод тарбиясида миллий мусиқа ўрнини ошириш борасида турли ислохотлар кетаётган бир вақтда мана шундай маҳорат дарсларининг ташкил этилиши ижобий натижа беради.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти матбуот хизмати

Мозий тилга кирганда...



Қўқон хонлигида наманган карвонсаройлари

Тарихий манбаларга кўра, XVIII аср бошларида Фарғона водийсида марказлашган давлат – Қўқон хонлиги ташкил топган. Унинг ҳукмдорлари қўшни хонликлар каби мамлакатдаги фаровонликни савдо билан боғлашган. Савдон тараққий этириш, унинг учун етарли шароитлар яратиш асосий вазифалардан бири саналган. Марказлашган давлатнинг салоҳияти кучли бўлган даврларда мамлакат иқтисодийи равнақ топган, янги бозорлар қурилган, мавжудлари кенгайтирилиб, савдо дўконлари, карвонсаройлар ва бошқа иншоотлар барпо этилган. Савдо муносабатлари, бож тизими тартибга солиниб, уларнинг назорати кучайтирилган.

Хонликда шакланган бозор инфратузилмасининг асосий қисмларидан бири карвонсаройлар ҳисобланган. Унда турли ҳудудлардан келган савдогарларнинг яшаши, юк ва уловларини сақлаши учун махсус иншоотлар барпо этилган. Карвонсаройларда савдогарларнинг яшаш шароитидан ташқари, у ердаги дўконларда савдо қилиш имконияти ҳам яратилган. Шунингдек, йўл бўйида жойлашган шаҳар ва қишлоқлардаги карвонсарой-

ларда сув захираси ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳам ташриф буюрувчилар учун қудайлик ҳисобланган. Хонликдаги карвонсаройлар савдо дўконлари каби ҳукмдорларга, хусусий шахсларга ва диний муассасаларга қарашли бўлган.

Фарғона водийсининг шимолий қисмидан ўрин олган Наманган XVIII аср бошларида хонликдаги хунармандчилик саноати тараққий этган йирик шаҳарлардан бирига айланган. Хонликнинг иқтисодий та-



янчларидан бўлган Наманган марказидаги катта бозорда Беги, Дегрез ва Мавлави номли 3 та катта карвонсаройлар фаолият кўрсатган. Дегрез карвонсаройи икки қаватли бўлган. Тарихий манбаларда ёзилишича, ҳафтанинг жума ва якшанба кунлари бу ер от, эшаклар қўшилган аравалар билан тўлиб кетган. Яна отларнинг кишнаши, эшакларнинг хантраши бутун шаҳарни тутиб кетар эди деб ёзилган. Қишлоқлардан келган деҳқонлар, баққоллар юмушларини бажариб бўлгач, кечга яқин ўз манзилларига тарқалишган.

Наманган карвонсаройлари пишқ ғиштдан, тўртбурчак шаклда қурилган бўлиб, ичкарига битта дарвоза орқали кирилган. Карвонсаройлар марказида махсус майдон бўлган ва савдо карвонларининг юқлари шу майдонга туширилган. Бундан ташқари, деворлари ёнида айвонли савдо дўконлари жойлашган бўлиб, улар дўконларни ёгингарчиликдан ҳимоя қилган. Икки қаватли карвонсаройларнинг тепа қисми айвон вазифасини бажарган. Мавлави – шаҳардаги энг йирик карвонсарой бўлиб, унда 30-40 атрофида савдо

дўконлари мавжуд бўлган.

Бу марказда туя ва отларни сақлаш учун махсус жойлар ҳам мавжуд бўлган ва уларга озиқ-овқат карвонсаройи ҳисобидан берилган.

Қадимдан Ўрта Осиёда савдо-сотиқ амалга ошириладиган жой сифатида бозор ва карвонсаройларнинг аҳамияти катта эди. Сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланиб олган мамлакатда савдон ривожлантириш учун қўллаб ижобий ишлар изчил амалга оширилган. Натижада хонликнинг шаҳар юмушларини бажариб бўлгач, кечга яқин ўз манзилларига тарқалишган.

XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлиги тасаррауфида бўлган Наманган бозорлари ва карвонсаройлари меъморчилик, ташкилий ишларнинг яхши йўлга қўйилгани, озодлиги, тўқинлиги ва савдогарлар учун яратилган шароитлар туфайли Ўрта Осиёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаган.

Манзура Холбоева,
Зуфия Комилова,
Наманган вилояти тарихи ва маданият давлат музейи илмий ходимлари

МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги,
«Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир
Дилбаҳор Худойбердиева
Тахририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқлиниши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Шохида Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади - 7830 Буюртма - Г - 1127
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табак

Газета “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.
Босмахонага топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.00
1 2 3 4 5 6